

5
2016

MOLLYA

ILMIY JURNAL



ISSN 2010-9601

TOSHKENT

А.НОРОВ. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини ривожлантиришда тижорат банкларининг роли.....57

Б.БЕРДИЯРОВ. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари.....64

З.ХОЛМАХМАДОВ. Ўзбекистон тижорат банкларининг ликвидлигининг тартибга солишнинг долзарб масалалари.....76

БАНК ИШИ

С. ЭЛМИРЗАЕВ. Солиқ маслаҳати хизмати кўрсатишнинг амаллари ҳолати ва ва уни такомиллаштириш йўллари.....50

СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

З. ИСОЕВ. Молиявий ҳисобот ва аудит услубиётини ташқил этишда халқаро стандартлардан фойдаланиш.....39

А.ТҶИЕВ. Хизмат кўрсатиш соҳаларида янги назорат тизимини ташқил этишдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари.....45

АУДИТ

А.ТҶИЯНОВ. Ассий воситаларнинг самардорлик кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи омиллар.....5

И.ДАВЛЕТОВ. Инновацион фаолият бўйича ҳаракатлар ҳисоби ва таннарх шакллантиришнинг хусусиятлари.....12

НАБДУСАЛОМОВА. Металлургия саноати корхоналарида моддий ҳаракатларни бошқарув ҳисоби ва таҳлилининг амаллари тизимини баҳолаш йўллари.....22

З.САДУЛЛАЕВА. Совершенствование учета и анализа инвестиций на основе международных стандартов финансовой отчетности.....29

У.ШИРИНОВ. Телефон хизматларида олиналган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш.....35

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

МУНДARIЖА

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

- Ш.ШОҲАЪЗАМИЙ.** Замонавий мулкчилик тизимининг янгича назарий талқини.80
Ш.ҚОБИЛОВ. Иқтисодий хавфсизлик ва унинг субъектлар кўламидаги таъминланиш даражалари.....88

МОЛИЯ

- Д.ҚУРБАНОВ.** Молиявий механизм ва унинг ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдаги роли.....95

СУҒУРТА ИШИ

- Қ.НОМОЗОВА.** Суғурта ва қайта суғурта: икки тушунчанинг ўзаро боғлиқлиги...101

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

- Т.ИМОМҚУЛОВ, Н. ШЕРҚЎЗИЕВА.** Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларни такомиллаштириш масалалари.....106
М.РУСТАМОВ. Ў. ҲАЙДАРОВ. Худудларга инвестицияларни жалб қилишда молия-кредит тизимини ривожлантиришнинг ўрни.....112
Г.АБДИЛАКИМОВ. Автомобиль транспорти тизимига инвестицияларни жалб қилишнинг потенциал имкониятларини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш йўналишлари.....119

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

- А.АЮБДЖОНОВ.** Некоторые вопросы оценки эффективности институциональных факторов развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане.....127

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ

- Қ.ҚУРОЛОВ.** Иқтисодий таълим тизими самарадорлигини оширишнинг айрим жиҳатлари.....136

МАРКЕТИНГ

- З.САФАРОВА.** Роль маркетинговых исследований при оценке нового ассортимента товаров для их реализации на рынке.....142

Шу боис, мамлакатимиз инвесторлари учун инвестицион муҳитнинг қулай бўлиши, мамлакатда яратилаётган ЯИМнинг ўсишига хизмат қилади. Бу ўз навбатида, мамлакатимизни жаҳон иқтисодий интеграциялашувини жадаллаштиради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10-апрелдаги "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014 йил 29 сон.*

2. *Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2016 йил, 16 январь.*

3. *Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2015 йил. 17 январь.*

УЎТ:330.336.

М. РУСТАМОВ, Ў.ҲАЙДАРОВ

ҲУДУДЛАРГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА МОЛИЯ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ

Мақолада ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни, шунингдек инвестицияларни жалб қилишда молия-кредит тизимининг эғаллаган ўрни кўрсатиб таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: инвестиция, молия-кредит тизими

В статье рассматриваются вопросы, связанные с сутью, значением и содержанием привлечения инвестиций в регионы, а также освещается роль финансово-кредитной системы в привлечении инвестиций. значение инвестиций в региональном развитии, финансово-кредитная система и ее роль в привлечении инвестиций.

Ключевые слова: инвестиции, финансово-кредитная система

This article studied the nature, meaning and content of attracting investment to the regions, and the role of financial and credit system in attracting investment. The author expresses his views through skillful use of scientific analysis of the following basic concepts such as investment, the value of investments in regional development, and financial and credit system and its role in attracting investment.

Keywords: investment, financial and credit system,

Инвестициялар ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улардан иқтисодиёт тармоқларида самарали фойдаланиш мамлакатда инвестиция фаолиятининг тўғри ва оқилона шакллантирилиши ва ривожлантирилишига ҳар томонлама боғлиқ бўлади.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг такомиллашиб бораётганлиги

инвестиция фаоллигини белгилаб берувчи иқтисодий кўрсаткичларнинг ошиб боришини билдиради яъни,

" тўридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ошиши;

" хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар ва имтиёزلардан иборат бўлган инвестицион муҳитнинг ривожланиши;

" инвестицияларни жалб қилиш учун замонавий инфраструктуранинг шаклланиши;

" хўжалик юритувчи субъектларда инвестиция фаоллигининг ўсиб бориши;

" инвестиция фаоллигида тижорат банкларининг фаол иштирок этиши ва бошқа шу кабиларда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг Ислам Каримов таъкидлаганидек: "2015 йилда барча молиялаштириш манбаелари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп лемақдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиги хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та ириқ ишлаб чиқариш объекти кўрилишини яқинлаштиришга топшириш имконини берди.

Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 метаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурilmаси барпо этили, Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторлари модернизация қилинди, Қўнғирот сода заводида кальцийлаштиришдан сода ишлаб чиқариш кенгайтирилди, "Самарқандкимё" акциядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўнгилар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Шунингдек, "Мотор заводи" акциядорлик жамиятининг фаоллият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларида трактор тиркачалари, жумладан, катта ҳажмли тиркачалар, машиналар, машиналарнинг қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш таъкили этилди.

Ана шундай муҳим объектлар ҳақида гапирганда, жанубий қоревлик инвестициялар ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғи қони негизда барпо этилган Ўсторт газ-кимё мажмуасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган ушбу мажмуа дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, ириқ корхоналардан бири бўлди. Мажмуанинг ишга туширилиши йилга 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳолбуки, бу маҳсулот илгари мамлакатимизга четдан, катта вақога ҳисобига олиб келинар эди. Айни вақтда мажмуа корхона полипропилен ишлаб чиқариш ҳажмининг 3,1 баробар кўпайтириши,

мингдан зиёд юқори малакали мутахассисларни иш билан таъминлаш имконини яратиши билан улкан аҳамиятга эгадир.

Хоразм вилоятида "Женерал моторс" - Ўзбекистон" акциядорлик жамиятида умумий қиймати қарийб 6 миллион долларлик лойиҳа асосида "Шевроле Лабо" қичик юк машинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда йилга фермерларимиз ва хусусий тадбиркорларимиз учун жуда зарур бўлган 5 мингта

ана шундай машина ишлаб чиқарилади. Шунингдек таъкидлаш жоизки, ушбу модель янги "Хоразм авто" заводида тайёрланаётган "Дамас" ва "Орландо" автомобилларидан кейинги учинчи турдаги автомобиль бўлди.

Наманган вилоятининг Поп туманида 130 киловатт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Ҳозирча бу лойиҳа синовдан ўтказилмоқда. 2020 йилга бориб мамлакатимизда ҳар бири 100 мегаватт қувватга эга яна учта қуёш электр станциясини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Самарқанд - Қарши темир йўл участкасида юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" электр поезда қатнови йўлга қўйилди. Бу Тошкент - Қарши йўналиши бўйича йўловчи ташини сифати ва суръатини ошириш имконини бермоқда. Натижада пойтахтимиздан Қашқадарё вилоятига ва Қаршидан Тошкентга йўловчилар ташини вақти икки баробар қисқарди"[1].

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инвестиция фаолиятини амалга ошириш борасида кўплаб муваффақиятларга эришилаётган бўлиб, бу инвестицияларни қўллаб қувватлашга қаратилган ишларнинг фаол олиб борилаётганлигидан далолат беради. Бироқ, шу билан бирга, инвестиция фаолиятини амалга ошириш борасида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар жумласига тижорат банклари инвестицион фаолиятининг юқори даражада эмаслиги; инвестиция фаолиятини молиявий суғурталаш тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги; тижорат банклари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларда инвестиция фаолиятини молиявий таҳлил қилиш ва режалаштириш бўйича юқори малакали мутахассисларнинг етарли даражада эмаслиги ва бошқа шу кабиларни киритиш мумкин. Бундай муаммоларнинг ечимини топишда мамлакатимиз ҳудудларига инвестицияларни жалб қилишда молия-кредит тизимини такомиллаштириш эҳтиёжи юзага келади, бу борада илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Инвестициялар ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, уларнинг ёрдамида иқтисодиётнинг иновациялар ва юқори технологиялар асосида ривожланиши қўллаб-қувватланади, импорт ўрнини босиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари муваффақиятли амалга оширилади. Замонавий инфратузилмалар ривожлантирилади, янгидан-янги иш жойлари яратилиб ишсизлик муаммосининг олди олинади ва энг асосийси эркин рақобат ва тадбиркорлик муносабатларига асосланган замонавий иқтисодий тизим ривожлантирилади. Инвестицияларнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, улар ҳар қандай мамлакатнинг яқин ва узоқ келажакда ривожланиш истиқболларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонунда инвестицияларга қуйидагича таъриф берилди: "инвестициялар - қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар"[2].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисидаги Қонунига кўра: "инвестиция бу - иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий, ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қорозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир"[3].

Иқтисод фанлари доктори профессор И.А.Ахмедов инвестицияларни қўйилган тартифлардан: "инвестиция дейишганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур"[4].

МДХ мамлакатлари тадқиқотчилари орасидан россиялик мутахассис Т. Т. Фролованинг фикрига кўра: "инвестиция - бу хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакатнинг ичидан ва мамлакатдан ташқарида иқтисодийнинг турли тармоқлари ва қимматбахо қорозларга узоқ муллатли қўйилган капиталдир"[5]. Россиялик бошқа бир турмуш олимлар М. И. Ример, А. Д. Касатов ва Н. Н. Матвеевнинг фикрларига кўра эса: "иқтисодий адабиётларда инвестициялар тадбиркорлик фаолиятининг объектларига маблағларни инвестиция қилиш орқали эҳтиёжларни кейинги йиллар давомида янада тулик қондириш мақсадда неъматларнинг жорий истеъмол қилинишидан воз кечишга қаратилган ҳаракатдир"[6].

Умуман олганда, бу каби тартифларни яна қўлаб келтириш мумкин бўлиб, уларнинг мазмۇни бир-бирларини ўзаро тўлдириб боради. Биз юқоридан келтирилган тартифлардан келиб чиққан ҳолда инвестицияларга оид ўз тартифимизни келтириб ўтмоқчимиз: инвестициялар деталда капитални кейинчалик даромад олиш мақсадида бирор-бир мамлакат, ҳудуд, тармоқ ёки бошқа объектларга йўналтириш тушунилади. Инвестицияларнинг мамлакат иқтисодийотидаги аҳамиятини янада аниқроқ тасаввур қилишимиз учун қўйилган чизмани келтириб ўтамиз:

1-чизмадан кўриниб турибдики, инвестициялар келиб чиқиш манбаларига кўра асосан иккитага, яъни хорижий инвестициялар ва ички инвестицияларга бўлинади. Инвестицияларнинг ушбу иккала тури ҳам қўйилган объектларни ривожлантиришга йўналтирилади: ҳудудлар, тармоқлар, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари.

Ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишнинг энг муҳим шарти бўлиб ҳудуд иқтисодийотининг ривожланиш ҳолати ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иш тутиш ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳар қандай ҳудуд ўзига хос иқтисодий шарт-шароитларга эга бўлиб, уларни комплекс тарзда ўрганиш инвестицияларни жалб қилишда турли ёндашишга замин яратди.


Шу ўринда ҳудуд иқтисодийотида россиялик тадқиқотчи В. В. Мищенко қўйилганча тартиф беради: "ҳудуд иқтисодийоти - бу ҳудуднинг тарихий, демография, миллий, диний, экологик, табиий-ресурсли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳудуд ҳужжатининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши жараёни билан бирга, ҳудуднинг умумдавлат ва халқаро меҳнат тақсимолида

тутган ўрнини билдирувчи комплекс соҳадир"[7].

Япониялик профессор Ямамото Хисатоши ҳудуд иқтисодиётини асосан

1-чизма

Инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни*



*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

саккизта параметрга бўлиш асосида ўрганишни таклиф этиб, ҳар қандай инвестор ҳудудга ўз инвестициясини киритиш тўғрисида қарор қабул қилишдан аввал ана шу параметрларни комплекс тарзда ўрганиб чиқиши муҳим эканлигини ўз илмий тадқиқотларида асослаб беради (1-жадвалга қаранг).

1-жадвалга эътибор берган бўлсангиз, саккизта параметрнинг сўнгиси бўлиб ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу ўринда савол туғилади: бу параметрдан ташқари бошқа еттига параметр ҳам ҳудуд иқтисодиётига тегишли бўлиб, нега шундай бўлишига қарамасдан, ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичлари параметри яна алоҳида кўрсатилган? Шу ўринда айтишимиз мумкинки, япон

I-жадвал
Хулуа иқтисодийтини белгилаб берувчи асосий параметрлар тавсифи**

№	Параметрларнинг номламини	Қисқача тавсифи
1.	Турмуш тарзи ва жамият	Буна хулуа аҳолисининг саволхонлилик даражаси, хулуа маданият ва таълим муассасаларининг ҳолати, хулуа аҳолисининг маънавий қиёфаси кабилар ўрнинида.
2.	Демонстрация	Буна хулуага мисллат ва эътиборнинг саломати, хулуагаги тўғилиш ва ўлим сурачлари, хулуагаги меҳнат ширкинисининг ҳолати, хулуагаги инновационлик муаммоларини баъраф эътибор олинб борилаётган табирилар ўрнинида.
3.	Таълим иқтисоди ва савно муносабатлари	Буна хулуагаги маънавият инновационлик хулуагаги иқтисодий ва савно алоқалари, хулуагаги таълимнинг эҳсонати ва импорти имкониятлари ўрнинида.
4.	Хулуаги бошқаруви	Буна хулуа бошқаруви тўғрисида, хулуа иқтисодийлигида ози бошқаруви қарорларини қабул қилиш ҳолати, хулуагаги инвестицияларнинг жалб қилинишини хулуа бошқаруви даражасига қўлаб-қувватлаш ҳолати ўрнинида.
5.	Фан ва технологиялар	Буна хулуагаги фан ва технологияларни ривожлантириш марказларининг фаолияти ҳолати, хулуагаги фан ва технологияларни ривожлантириш дастурларининг қабул қилиниши ва амал қилиш ҳолати ўрнинида.
6.	Хулуагаги инфратузилмалар	Буна хулуагаги транспорт ва логистика коммуникациясининг ҳолати, хулуагаги таълимий тизим ва савно ресурслари билан таълимийнинг ҳолати ўрнинида.
7.	Таълим ресурслари	Буна хулуагаги баъра таълим ресурслари, таълимий фондларининг даражаси ўрнинида.
8.	Хулуагаги иқтисодий қўрсаткичлари	Буна хулуагаги ривожланишининг иқтисодий қўрсаткичлари, ўнлаги молия-қўрсаткичлари, ўнлаги табирикорлик билан шугуланиш имкониятлари ўрнинида.

** Mamba: Yamamoto Hisatoshi. Technology Investment Planning. Tokyo: JAMM, 2003.

олими Ямомото Хисатоши томонидан таълимий эътиборни ўнлаги параметрлар асосан муайян хулуага инвестициялар киритишга қизиққан табирикорлар учун муъжалланган бўлиб, ўнлаги хулуагаги иқтисодийнинг фақатгина ўнлаги ривожланишини белгилаб берувчи иқтисодий қўрсаткичлар орқали эмас, балки

ушбу кўрсаткичларнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи бошқа бир қанча муҳим омиллар (яъни, бошқа параметрлар) билан бирга комплекс тарзда ўрганишни маъқул кўрадилар.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, жаҳон мамлакатларида ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишда ҳудудлар иқтисодийтини комплекс тарзда ўрганишга жуда катта эътибор қаратилади.

Ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамиятини қуйидагилар орқали кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ҳудудларни жуда кўплаб белгилар бўйича тавсифлаш мумкин бўлиб, бизнинг тадқиқот ишимизда мамлакатимиздаги Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлар сифатида олиниб, уларнинг ҳар бирига иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда инвестицияларни йўналтириш борасида ижобий натижаларга эришилса, бу мамлакатимиз миқёсида инвестицион фаолликнинг янада ошишига олиб келади;

- ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш нафақат улардаги иқтисодий имкониятларнинг кўтарилишига, балки ҳудудларнинг туристик жозибадорлигини ошишига ҳам муҳим таъсир кўрсатади;

- ҳозирги кунда дунё тажрибасида оммавийлашиб бораётган эркин иқтисодий ҳудудлар мамлакатлар иқтисодийтига инвестицияларни, хусусан хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш суръатларини ошириш мақсадида ташкил этилаётган бўлиб, уларда яратилаётган замонавий корхоналар, янгидан-янги иш жойлари, жаҳон андозалари даражасидаги инфратузилмалар, шу жумладан, замонавий хизмат кўрсатиш объеклари эркин иқтисодий ҳудудлар жойлашган шаҳарлар қиёфасини янада чиройли бўлишига олиб келмоқда.

Умуман олганда, инвестицияларни жалб қилишда ҳудудлар бирламчи аҳамиятга эга бўлиб, улардаги иқтисодий шарт-шароитлар ва бошқа имкониятларнинг инвесторлар талабларига мос келиши ҳар қандай тармоқ, ташкилот ва тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантиришга кўплаб имкониятларни яратади. Бошқача қилиб айтганда, ҳудудлар ўзларининг хусусиятлари билан инвестициялар йўналтириладиган асосий объектлар сифатида эътироф этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. А. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийтимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришидир. - Тошкент:.. Ўзбекистон, 2016
2. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 10-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда)
3. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Б.С.Маматов, Д.Ю.Хужамқулов, О.Ш.Нурбеков. Дарслик. - Т.: Иқтисод-Молия. 2014. 608 бет.